



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

---

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

---

## LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**1. ФАЙЗИЕВ Олим**

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ  
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ  
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА ..... 7

**2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович**

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
КАФОЛАТЛАРИ ..... 18

**4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич**

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ  
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 29

**5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 38

**6. НОДИРОВ Давурхон Икромович**

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН  
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

**7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич**

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.  
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**8. ОКЮЛОВ Омонбой**

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК  
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ ..... 55

**9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович**

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 65

**9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна**

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ  
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 71

**10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон**

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР ..... 76

**11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович**

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

**12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА  
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 89

**13. KHUSAINOVA Rano**

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**  
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**  
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:  
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ..... 109

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ**

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**  
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ  
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**  
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ  
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ..... 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**  
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ..... 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**  
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**  
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**  
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ  
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ..... 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**  
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ ..... 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**  
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР  
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**  
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ  
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**  
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 174

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Академияси мустақил изланувчиси

E-mail: exnaton\_89@mail.ru

## АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ЭРАЛИЕВ А.Б. АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 174–180.



4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-26>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада АҚШ ва Буюк Британияда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотларнинг генезиси ва ҳозирги ҳолати, полиция моделига ўтишнинг энг муҳим жиҳатлари таҳлил қилинган. АҚШ да полиция тизимининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, унинг марказлаштирилмаганлиги, ҳудудий полиция органлари кенг мустақилликка эгаллиги кабилар таҳлил қилинган. АҚШ муниципал полиция органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги ёритиб берилган. АҚШ полициясида коррупцияга қарши курашдаги муваффақиятларга асос бўлган тизимли омиллар, шу жумладан, номзодларга қўйиладиган талаблар, кадрларни тайёрлаш ва улар билан ишлаш тизими таҳлил қилинган. Шунингдек, Буюк Британияда полиция тизимини бошқариш, унинг асосий фаолият йўналишлари ҳамда фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Буюк Британия полицияситараққиётининг ўзига хос хусусияти сифатида марказлаштириш ва номарказлаштиришни бирлаштира олган полициянинг интеграциялашган модели шакллантирилганлиги кўрсатилади. Буюк Британияда полиция тизимини ислоҳ этишда “жамоатчилик полицияси” концепциясини жорий этиш орқали жамоат тартибини ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятининг ролини ошириш масаласи таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижаларига кўра, Ўзбекистонда ички ишлар органларини полиция моделига ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** АҚШ, Буюк Британия, ички ишлар органлари, полиция, ислохотлар, модернизация, жамоатчилик билан ҳамкорлик, профилактика.

ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли

Самостоятельный соискатель Академии

Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

E-mail: exnaton\_89@mail.ru

**ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В ГОСУДАРСТВАХ, ОТНОСЯЩИЕСЯ К АНГЛОСАКСОНСКОЙ ПРАВОВОЙ СИСТЕМЕ****АННОТАЦИЯ**

В статье проанализированы генезис и современное состояние реформ осуществляемых в системе органов внутренних дел США и Великобритании, а также поэтапный переход к полицейской модели. Рассмотрены особенности американской системы полиции, её децентрализации, наделяния широкой самостоятельностью органов полиции на местах. Обсуждено взаимодействие муниципальной полиции с местными органами государственной власти. Проведен анализ факторов, ставших основой успеха в противодействии коррупции в органах полиции, в частности, выработаны требования для кандидатов, система подготовки кадров, и работа с ними. Также, изучена система управления полиции в Великобритании, основные направления и особенности правового регулирования их деятельности. Показаны особенности развития системы полиции Великобритании в качестве формирования, объединяющие в себя интеграционной модели децентрализации и централизации. Анализированы вопросы о роли гражданского общества в охране общественного порядка с помощью внедрения концепции «общественная полиция» в ходе проведения реформ в системе полиции. На основе исследования, разработаны предложения о переходе органов внутренних дел Узбекистана в систему полиции.

**Ключевые слова:** США, Великобритания, органы внутренних дел, полиция, реформа, модернизация, сотрудничества с общественностью, профилактика

**ERALIEV Azam**

Independent applicant for the Academy  
of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: exnaton\_89@mail.ru

**FEATURES OF THE ORGANIZATION OF THE ACTIVITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES IN STATES BELONGING TO THE ANGLO-SAXON LEGAL SYSTEM****ANNOTATION**

The article analyzes the genesis and current state of reforms carried out in the system of internal affairs agencies in the United States and Great Britain, as well as the main points of the transition to the police model. The author analyzes such features of the American police system as its decentralization, endowing local police bodies with broad independence. The interaction of the municipal police and local government bodies is revealed. The analysis of the factors that became the basis for success in combating corruption in the police, including the requirements for candidates, the system of training and work with them. Also studied the system of management of the police in the UK, its main activities and features of the legal regulation of their activities. The features of the development of the UK police as the formation of the integration model of the police, combining decentralization and centralization, are shown. The analysis of strengthening the role of civil society in the protection of public order by introducing the concept of «public police» in the course of reforms in the police system is carried out. Also, proposals have been developed for the transition to the police model of the internal affairs bodies in Uzbekistan.

**Keywords:** USA, Great Britain, internal affairs bodies, police, reform, modernization, cooperation with the public, prevention

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ жуда катта тажриба тўпланган бўлиб, уни атрофлича ўрганиш келгусида миллий ички ишлар тизими ва қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода, дастлаб ушбу ҳуқуқ тизимининг ёрқин вакили бўлган АҚШда полиция фаолияти ва ташкилий тузилишига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, АҚШ полицияси иерархик боғлиқликка эга бўлмаган тўрт босқичли тузилишга эга – федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, штат полицияси, округ полицияси ва муниципалитет полицияси. Полициянинг ҳар бир даражаси, ҳар бир бўлими ҳуқуқбузарликлар турларининг юрисдикциясида маълум чекловларга эга.

Давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг мураккаблигига қарамай, унинг барча бўлинмалари аниқ жавобгарлик соҳасига эга ихтисослашган бўлимлардир. АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг даражалари ўртасида иерархия ва бўйсунувчи муносабатларнинг йўқлиги АҚШ ҳуқуқий тизимининг мураккаблиги ва давлатнинг федерал тузилиши билан боғлиқ.

АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг энг юқори даражаси иккита федерал вазирлик томонидан тақдим этилган: Адлия вазирлиги ва Ички хавфсизлик вазирлиги.

АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ўзига хос хусусияти унинг марказлаштирилмаганлигидир. Кундалик фаолиятида фуқаролар билан бевосита алоқада бўладиган полиция органлари – маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва туманлар даражасидаги органлар – кенг мустақилликка эга.

Муниципал полиция органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш полицияси маҳаллий ҳокимият органларига ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий полицияни ташкил этиш ҳуқуқини берадиган давлат регламентига мувофиқ тузилган. Ҳар бир штат ўз полициясини тайёрлаш дастурларини мустақил белгилайди [1, Б.28].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, АҚШ полицияси таркибидаги коррупцияга қарши курашда эришилган маълум ютуқлар қуйидаги омиллар билан боғлиқ: полицияга номзодларнинг билим даражасига қўйиладиган талабларнинг ошиши; номзодлар учун ишга кириш талаблари; текширувлар, синовлар, имтиҳонлар ва тиббий таҳлиллар тўпламига асосланган ходимларни эҳтиёткорлик билан танлаш; бошланғич тайёргарликнинг яхшиланиши; полиция ходимларини муносиб моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш. Бундан ташқари, ички тергов органларининг полиция бошқармалари ҳам, Федерал қидирув бюросида ҳам мавжудлиги кўп ҳолларда полициянинг муваффақиятли фаолиятини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда АҚШ полицияси фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу – полицияга номзодларга қўйиладиган талабларни кучайтириш. Шу мақсадда гиёҳванд моддаларнинг, айниқса ёшлар орасида кенг тарқалганлигини ҳисобга олиб, улардан фойдаланиш изларини аниқлаш учун қўшимча тестлар ўтказилмоқда. Хусусан, АҚШ полициясининг деярли ҳамма жойида номзоднинг танасида гиёҳванд моддалар мавжудлиги сочлар, сийдик ва қон орқали таҳлил қилинади. Номзодларнинг хизматга маънавий-ахлоқий муносиблигини аниқлаш учун анъанавий анкеталар, картотекалар, компьютер маълумотлар базалари текшируви ва шахсий суҳбатлар каби билан бир қаторда АҚШда полиция номзоди билан суҳбатлар пайтида ёлғонни аниқловчи детекторлари деб аталадиган ускуналардан ҳам кенг фойдаланилади. Ёлғонни аниқловчи воситалар ёрдамида олинган маълумотлар АҚШ судида далил сифатида тан олинмаса ҳам, ушбу восита Америка полициясининг тезкор-тергов ишларида ҳамда АҚШ полициясида ишлаш учун янги кадрларни танлашда ҳам кенг қўлланилади. Албатта, Америка полициясининг юқори даражада тўловлари ва ижтимоий таъминоти туфайли, одатда, қабул танлов асосида (бир ўринга 500 кишигача) амалга оширилишини ҳам ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ [2, Б.8]. Ўзбекистон шароитида энг янги технологиялардан фойдаланган ҳолда бундай танлов процедурасини ташкил этиш биров қийин, шунга қарамай, ушбу амалиёт эътиборга лойиқ ва уни амалга ошириш мумкин.

АҚШга полиция фаолиятининг марказлаштирилмаганлиги хос бўлиб, марказлаштирилмаган полиция, марказлаштирилган ҳолатларга қараганда, мамлакатда яшайдиган алоҳида жамоаларнинг миллий, маданий, диний ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олишга кўпроқ имкон беради, бу эса уларга энг мос давлат ҳокимияти механизмларидан фойдаланишга имкониятини яратади. Бу 130 дан ортиқ миллат ҳамда элат вакиллари истиқомат қилувчи, 16 диний конфессияга мансуб 2 минг 250 га яқин диний ташкилотлар фаолият юритаётган Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакат учун айниқса муҳимдир.

Ички ишлар органларини марказлаштирмаслик, бир томондан, давлат ва аҳоли ўртасида реал алоқани таъминлашга имкон беради, бу бир томондан, ҳокимиятнинг жамият эҳтиёжларига тезроқ ва муносиб жавоб беришига имкон беради, иккинчи томондан, уларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини оширади.

Ички ишлар тузилмаларини марказлаштирмаслик, умуман маҳаллий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ёрдам беради, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ҳақиқий ишлашини ва унга аҳолининг кенг жалб этилишини таъминлайди. АҚШда марказлаштирилмаган ички ишлар органлари фаолиятининг амалдаги тажрибаси шуни кўрсатадики, охир-оқибатда полиция харажатларини марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида тақсимлаш иқтисодий инқироз даврида айниқса муҳим бўлган молиявий ресурсларни тежашга ёрдам беради.

Шу билан бирга, англо-саксон ҳуқуқ тизими давлатлари ҳақида сўз борганда **Буюк Британия** ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Буюк Британияда “полиция аппарати маҳаллий ҳокимият билан яқин алоқада ва унинг бевосита назорати остида ривожланган, шу билан бирга полиция фаолиятининг яқуний натижаларини назорат қилиш воситалари мамлакат ички ишлар вазирида сақланиб қолган” [3, Б.15].

Буюк Британияда полиция йўл-транспорт ҳодисаси пайтида ёрдам беришдан тартиб, тартибни сақлаш ва йўқолган мулкни қидиришгача бўлган вазифаларни амалга ошириш учун масъул ҳисобланади [4, Б.23].

Шу билан бирга, англо-саксон ҳуқуқий тизими Буюк Британия полицияси фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бир қатор хусусиятларини белгилайди: кўп даражали қонуний тартибга солиш ва суд прецедентларининг мувофиқлашуви; ўхшаш ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бир нечта полиция қонунларининг амал қилиши; полиция имкониятларини амалга оширишнинг умумий процессуал асосларини белгилайдиган ягона ҳужжатнинг йўқлиги; терговнинг дастлабки босқичининг формаллашмаган қисми; воқеалар тўғрисидаги баёнотлар бўйича қарор қабул қилиш устидан процессуал назоратнинг (суд, прокурор) йўқлиги, бу давлат ва фуқаролик жамиятининг полицияга ишонч презумпциясидан далолат беради.

Буюк Британия ҳуқуқий тизимида полиция ҳуқуқининг яна бир ўзига хос хусусияти – мамлакатда бир вақтнинг ўзида бир нечта полиция тўғрисидаги қонунлари амал қилиши ҳисобланади. Ҳозирги Англия ва Уэлсда полиция қоидаларини кодификациялаш натижаси 1964 йилдаги “Полиция тўғрисида”ги тўғрисидаги Қонун (Police Act 1964) ҳисобланади, чунки у барча олдинги қонунларнинг ўрнини босди ва марказлаштириш жараёнида муҳим роль ўйнади.

Буюк Британия полицияси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари марказлаштириш ва номарказлаштиришни бирлаштира олган интеграциялашган моделини яратишга олиб келди, бунда ҳудудий полиция бўлинмалари юқори мустақилликка эга бўлиб, марказий полиция идоралари полиция муассасаларини ташкил этишнинг умумий йўналишлари ва тартибларини, уларнинг раҳбарларини тайинлашни ва қисман молиялаштиришни белгилайдилар.

Полиция тизимини куришнинг марказсизлаштирилиши ҳудудий полиция органлари бевоста маҳаллий ҳокимият органларига бўйсунини англатади. Айнан шу омил Буюк Британия полициясининг самарали фаолиятининг муҳим жихати бўлиб, бу орқали полиция маҳаллий аҳолига имкон қадар яқин бўлиши қайд этилади [5, Б.52].

Буюк Британияда полиция тизимини ислоҳ этишда “Жамоатчилик полицияси” (“Community policing”) концепциясини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу концепция жамоат тартибини ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятининг ролини оширади [6, Б.7].

Буюк Британия полиция тизимини тўртта мустақил полиция кучларига ажратиш мумкин мумкин: ҳудудий полиция бўлинмалари (маъмурий бўлиниш асосида); махсус полиция бўлинмалари; полиция функцияларини бажармайдиган, аммо қонунни ҳимоя қиладиган бўлинмалар (хусусий маъсулияти чекланган жамиятлар – Англия, Уэлс ва Шимолий Ирландия полиция катта офицерлари уюшмаси); аралаш полиция бўлинмалари (порт полицияси, парк полицияси, бозор полицияси) [7, Б.82].

Британия полициясининг асосий таркиби констебеллардир. Улар гумон қилинувчини ҳибсга олиш ва қидириш ҳуқуқига эга. Уларнинг аксарияти ҳудудий полиция бўлинмаларида хизмат қилади. Полиция тизимидаги махсус бўлинмалар, масалан, транспорт полицияси, ҳарбий полиция ва тинчлик мақсадларидаги атом полицияси таркибида ҳам кўп миқдорда констебеллар хизмат қилади.

Британия полицияси тузилмасининг ўзига хос жихатларидан бири унда зиммасига атом электростанцияларини ва ишлаб чиқариш циклини таъминлаш учун ядровий материаллар транспортировкасини кўриқлаш ва чиқиндиларни йўқ қилишни таъминлаш вазифаси юклатилган Тинчлик мақсадларидаги атом полицияси (Civil Nuclear Constabulary – CNC) фаолият кўрсатиши билан ҳам изоҳланади [8].

Шунингдек, полициянинг ишига 2007 йилдан бери фаолият юритадиган Полицияни такомиллаштириш миллий агентлиги (The National Policing Improvement Agency – NPIA) томонидан ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келинади. Унинг вазифаларига янги ахборот технологияларини ривожлантириш (яратиш ва амалиётга жорий қилиш) ва полиция учун кадрлар тайёрлашда ёрдам бериш кабилар киради [9].

NPIA. Агентлик бир қатор бўлинмалар, шу жумладан Полициянинг Ахборот Технологиялари Ташкилоти (The Police Information Technology Organisation – PITO) ва Центрекс (Миллий Полицияни Такомиллаштириш Маркази) фаолиятини бирлаштиради. Ҳозирда PITO биометрик идентификациялаш технологиясини жорий қилиш билан шуғулланмоқда (келажақда у Миллий идентификация реестри яратади).

NPIA “Полиция компьютери”, “Интенд-1”, “Бармоқ ва кафт излари”, “ДНК базаси” каби ахборот тизимларини ривожлантириш, юқори технологиялар соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, жиноятларни тезда аниқлаш бўйича полиция ходимларини тавсиялар билан таъминлаш, полиция хизматининг барча даражаларида авлодлар алмашинуви дастурларини ишлаб чиқиш, тадқиқотларни амалга ошириш, таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаш каби вазифаларни ҳам амалга оширади.

Буюк Британиядаги доимий полиция констебелларига ёрдам бериш вазифасини бажарувчи “махсус констебеллар” институти маҳаллий даражада доимий полицияга кўмак берувчи кўнгиллил тузилмаларни яратишнинг юқори самарадорлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради [10, Б.12].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам муниципал полиция ғояси илгари сурилмоқда. Бунда Буюк Британия полицияси ва муниципалитетларнинг ўзаро муносабатлари тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Умуман олганда, инглиз полиция фаолиятини ўрганиш асосида ички ишлар органлари гарчи бу уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлмаса ҳам фуқароларга ёрдам беришга йўналтирилган бўлиши керак деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга, ходимларнинг ҳуқуқий онги даражасини ошириш, ички ишлар органлари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, ходимларни сифатли тайёрлаш, танлаш ва жойлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. Зеро, Буюк Британияда полициячининг ижобий имиджини яратишга ҳукумат ҳомийлик қилган кўплаб телевизион кўрсатувлар, фильмлар ва сериаллар ёрдам берди [6, Б.8].

Буюк Британиядаги энг катта полиция тузилмаси – **Метрополитан полицияси** (Metropolitan Police) 1829 йилда ташкил топган. Узоқ парламент мунозараларидан сўнг, Жиноятчилик муаммолари бўйича махсус кўмитанинг фаолияти натижасида “Метрополитан полицияси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу Англиянинг биринчи ҳақ тўланадиган, доимий полиция тузилмасидир.

Метрополитан полиция ўз фаолиятини “Лондонни дунёнинг энг хавфсиз пойтахти қилиш учун биргаликда ҳаракат қилиш” шиори асосида ташкил этади.

Метрополитен хизмати қуйидаги тамойиллар асосланади: Лондоннинг ҳар бир сайлов округида полиция мавжудлигини таъминлаш; терроризмга қарши кураш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш; жинойий тармоқлар ҳаракатларини, уларнинг шаҳарга етказган зарарини камайтириш мақсадида, фош қилиш; транспорт коммуникациялари хавфсизлигини таъминлаш; зарурат туғилганда полиция ходимлари, ҳамкорлар ва жамоатчиликка зарур маълумотларни бериш; жамоатчилик томонидан полиция фаолияти устидан доимий мониторинг олиб бориш; ходимларни бошқарув соҳасида ўқитиш сифатини доимий ошириш.

Метрополитан полициясининг ташкилий тузилмаси деярли барча маҳаллий бўлинмаларда ҳам ўз аксини топган (худудий хусусиятлар, инфратузилма ва аҳоли сонини ҳисобга олган ҳолда). Бироқ, унда қуйидаги айрим фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, Метрополитан полицияси таркибида туман ресивери (бошқарувчи) лавозимининг мавжудлиги. Унинг вазифаларига Метрополитан полицияси офис бинолари учун ер ажратиш, бинолар билан таъминлаш, полицияни турли жиҳозлар билан таъминлаш, фуқароларни ишга ёллаш ва молиявий ишларни олиб бориш киради.

Шунингдек, Метрополитан полициясини бевосита ички ишлар вазирига бўйсинувчи Комиссар бошқаради, у қатор масалалар бўйича маҳаллий ҳокимият идоралари ва парламент фикрини ўрганиш учун расмий маслаҳатлашувлар ўтказиш тартибини белгилайди. Бошқа полиция тузилмалари раҳбарлари эса, бюджет масалалари бўйича маҳаллий ҳокимият идоралари фикрини ўрганиш учун ўз тузилмаларидаги полиция хизматлари раҳбарлари орасида сўровнома ўтказадилар.

Скотланд-Ярднинг асосий функционал бўлимлари: маъмурий (“А” департамент), йўл ҳаракати ва транспорт (“В” департамент), ташкил этиш ва ўқитиш (“D” департамент), юридик (“L” департамент), котибият (“S” департамент), бошқарув хизматлари департаменти, жиноий қидирув бўлими (“С” ёки “CID” департамент – Criminal Investigation Department) ва бошқа ёрдамчи бўлимлар.

CID – Жиноий қидирув бўлими жиддий жиноятларнинг очиш ва тергов қилиш билан шуғулланади. CID – бу полиция ходимлари унвони олдида “детектив” префиксига эга бўлган ҳудудий полиция бўлинмасидир. CID ходимлари одам ўлдириш, номусга тегиш, ўғирлик, фирибгарлик ва бошқа кенг қамровли терговни талаб қиладиган жиноятлар бўйича комплекс тергов ишларини олиб борадилар.

CID детективлари олинган далилларни таҳлил қилишлари, уларнинг асосида версиялар шакллантиришлари ва гумон қилинувчини айблашдан тортиб то ҳибсга олишгача бўлган барча зарур ҳаракатларни бажаришлари керак. Тергов ва айбловдан ташқари, CIDнинг ваколати гувоҳларни ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади [11, Б.31].

CIDда уч мингдан ортиқ ходим ишлайди. Булар Буюк Британиядаги энг мураккаб жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш ишониб топширилган энг малакали мутахассислардир. Бўлимни Метрополитан полицияси комиссари ёрдамчиси бошқаради ва у ўз навбатида ички ишлар вазирига ҳисобот беради. Метрополитан полициясининг Жиноятларни тергов қилиш департаменти жуда кенг функцияларга эга, улар орасида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган вазифалар алоҳида таъкидланган. Иқтисодий соҳадаги энг хавфли жиноятларни ўрганиш билан бу марказий бўлим терговчилари (“С” бўлими) шуғулланади.

Фирибгарликка қарши кураш “С 6” махсус бўлими томонидан олиб борилади, бу “С 4” жиноий рўйхатга олиш бюросининг “усуллар индекслари” карта индексларининг ярми фирибгарлик ҳолатлари эканлиги мазкур йўналишдаги иш ҳажмининг қанчалик катта эканлигидан далолат беради. Метрополитан полициясининг жиноий қидирув департаменти таркибида таниқли санъат асарларини сохталаштириш, ўғирлаш ва почта маркаларини қалбакилаштириш билан шуғулланадиган бўлинмалар ҳам мавжуд. Давлат жиноятлари билан бир қаторда, давлат хавфсизлигига хавф солувчи ташқи иқтисодий таҳдидлар билан боғлиқ ишлар Махсус бўлим (Special Branch) томонидан текширилади [12, Б.92].

Хулоса қилиб айтганда, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари тажрибаси асосида Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолиятини ислоҳ этиш билан боғлиқ муниципал ички ишлар органлари фаолиятини тўлақонли мустақил институт сифатида ташкил этиш, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш дастурларида ҳудудий хусусиятларни инобатга олиш, ички ишлар органларига хизматга қабул қилишда номзодлар учун талабларни кучайтириш ҳамда шаффоф ва очиқ тизимни йўлга қўйиш, ички ишлар органлари фаолиятига жамоатчиликни кенг жалб қилиш, ички ишлар фаолиятини илмий-техник ва инновацион таъминлаш бўйича алоҳида тузилма фаолиятини йўлга қўйиш, унинг зиммасига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти учун янги технологияларни жорий этишни юклаш мақсадга мувофиқ.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Курлович П.Н. Полиция в правоохранительной системе США // Вестник Казанского юридического института МВД России. – Казань, 2013. – №1. – С. 27-32. (Kurlovich P.N. Police in the US law enforcement system // Bulletin of the Kazan Law Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia. – Kazan, 2013. – №1. – P. 27-32).

2. Шалягин Д.Д. Полиция США – организационные и правовые основы деятельности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1998. – С.8-9. (Shalyagin D.D. US Police – organizational and legal basis of activity: Author’s abstract. diss. ... cand. jurid. sciences. – M., 1998. – P.8-9).

3. Быков А. В. Особенности полицейского строительства в Великобритании // Военно-юридический журнал. – 2008. – № 1. – С.15-16. (Bykov AV Peculiarities of police construction in Great Britain // Military legal journal. – 2008. – №1. – P.15-16.).

4. Ежевский Д.О. Муниципальная полиция: опыт Великобритании // Административное и муниципальное право. – 2008. – № 1. – С.22-23. (Ezhevsky D.O. Municipal Police: Great Britain’s Experience // Administrative and Municipal Law. – 2008. – №1. – P.22-23.).

5. Бакаева А.Г. Правовые вопросы обеспечения общественной безопасности полицейскими

органами Великобритании // Информационная безопасность регионов. – Москва, 2012. – № 1(10). – С. 51-55. (Bakaeva A.G. Legal Issues of Ensuring Public Security by UK Police Agencies // Information Security of Regions. – М., 2012. – №1(10). – Р. 51-55.).

6. Важенина И.В. Теоретические и историко-правовые основы деятельности полиции Великобритании: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2019. – С.7-8. (Vazhenina I.V. Theoretical and historical and legal foundations of the British police: Author's abstract. diss. ... cand. jurid. sciences. – М., 2019. – Р. 7-8.).

7. Клейменов И.М. Полицейские органы Великобритании // Вестник Омского университета. – Омск, 2011. – №3(28). – С.80-84. (Kleimenov I.M. UK police // Bulletin of Omsk University. – Omsk, 2011. – №3(28). – Р. 80-84).

8. What's the Role of the Civil Nuclear Constabulary Where Do They Work? – Civil Nuclear Constabulary. – URL: <http://www.Cnc.police.uk>.

9. The National Policing Improvement Agency. – URL: <http://www.npia.police.uk>.

10. Густова Л.В. Организационные и правовые основы функционирования полиции России, Великобритании и США: сравнительно-правовое исследование: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2016. (Gustova L.V. Organizational and legal foundations of the functioning of the police in Russia, Great Britain and the United States: a comparative legal study: Author's abstract. diss. ... cand. jurid. sciences. – М., 2016.).

11. Важенина И.В. Обеспечение прав человека в Великобритании в свете требований Конвенции о защите прав человека и основных свобод: история и современность // Труды Академии управления МВД России. – 2017. – № 2 (42). – С.31-32. (Vazhenina I.V. Ensuring human rights in the UK in the light of the requirements of the Convention for the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms: history and modernity // Proceedings of the Academy of Management of the Ministry of Internal Affairs of Russia. – 2017. – № 2 (42). – Р.31-32).

12. Важенина И.В. Территориальные полицейские силы Великобритании: история и современность // Сетевое издание «Академическая мысль». – 2018. – № 1(2). – С. 91-95. (Vazhenina I.V. Territorial police forces of Great Britain: history and modernity // Network edition «Academic thought». – 2018. – №1 (2). – Р. 91-95.).